

## Жума фарз қилинган оят

Image not found or type unknown



12:05 / 03.05.2024 2153

﴿تَعْلَمُونَ كَسْتُمْ إِن لَّكُمْ خَيْرٌ ذَلِكُمْ الْبَيْعَ وَذَرُوا اللَّهَ ذِكْرًا لِّي فَاسْعَوْا الْجُمُعَةَ يُؤْتِي مِنَ الصَّلَاةِ نُودَىٰ إِذَا آمَنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا﴾

**«Эй иймон келтирганлар! Жума кундаги намозга чорланганда Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, ана шу ўзингиз учун яхшидир»** (Жума сураси, 9-оят).

Бу ояти каримада мўмин-мусулмонлар жумага боришга амр қилиняпти. Феълнинг буйруқ майли эса вожибликка далолатдир. Намоз вақтида тижорат ва бошқа машғулотларни тарк этишга бўлган буйруқ унинг бажарилиши зарурлигини таъкидлайди. Зеро, у намозларнинг афзали ва бу умматга берилган мукофотдир.



**яхудийлар жамоасига нозил бўлганида эди, ўша кунни байрам қилиб олар эдик», - деди. У киши: «Қайси оят?» - деб сўрадилар.**

**«Бу кун сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» ояти», - деди. Шунда Умар: «Биз ана шу оят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган кун ва жойни жуда яхши биламиз. У зот жума куни Арафотда тик турган эдилар», - дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

Мазкур ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида нозил бўлган. Ислом дини бандаларга Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат эканини мусулмон бўлмаган инсофли шахслар ҳам эътироф этмоқда. Уламоларимиз ўз китобларида ишончли манбалардан ривоят қилишларича, яҳудийлар ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб: «Китобингизда бир оят бор, сизлар уни ўқийсизлар. Агар биз, яҳудийлар жамоасига нозил бўлганида эди, ўша кунни байрам қилиб олар эдик», - деган экан. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу уларнинг қайси оятни назарда тутаётганларини билгач: «Биз у кунни бир эмас, икки байрам: ҳам жума, ҳам қурбон ҳайити қилиб олганмиз», - деб жавоб берган эканлар.

**«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан**